

СЕНИ ЖАННАТДА
КҮТГАШАН



Унда абадий қолурлар ва ундан
күчишни истамаслар...

Гүзал ҳикоялар



СЕНИ
ЖАНИНАМДА
КУТАМАН

Турк тилидан
Умидада Адизова таржимаси

Тошкент
«Azmir print nashr» нашриёти
2022

ПАЛЬТО

Болалигимда кийим-кечагимни онам танлардилар. Онам қандай кийим кийдирса, эътиrozсиз ўшани кийиб кетаверардим. Кичкиналигимда отамнинг эскирган пальтосидан биз уч ака-укага пальто тикарди. Кейинчалик катта акамнинг эскирган пальтосини киядиган бўлдик. Уям ўзимга лойиқ келмасди. Ё калталик қилар ва ёки тор келарди. Ўсмир ёшларда эдим, жекет кийиб борардим мактабга. Бошимда казакларнинг қалпоғи, оёғимда ғарч этик. Биринчи марта ўзим танлаб пальто оладиган бўлдим. Қишиң яқинлашаётганди. Мен ҳамон қандай пальто олишни билмасдим. Онам орқамдан пичирлаб туради:

– Кел, бирга борайлик пальто харид қилгани...

Барибир онам билан бормайман. Ўзим хоҳлаган пальто қимматлик қилса, олишимгарози бўлмаслиги мумкин. ИншаАллоҳ, ўзимга қалта пальто олмайман. Бойваччалар киядиган қалин жунли матодан тикилган, қор ва ёмғирда сув ўтказмайдиган қатлами бўлади. Ёқалари паҳмоқ бўлади, совуқда қулоқларим совқотмайди. Совуқ қишиң кунлари шундай ниятлар билан юрардим.

Ҳаҳ, орзуларимни қаранг! Бу дунёning қирқ минг ҳолију рафтори бор...

Мен киймоқчи бўлган пальто қишининг қаҳратон қишда иссиқ уйда иссиқ бўлишини хоҳлайман. Мушук боласидай совуқда дағ-дағ титраб, “вой, совуқ қотдим”, деб қизлардай нозланишни хуш кўрмайман. Қанийди, спортчилар киядиган хушбичим пальто насиб қилсайди!

Онамга айтолмайман бу гапларни. Шунча пай менга эски кийимларни кийдиргани учун ўз-ўзида, хафа бўлади, бояқиш...

Узун қиш кечалари даштда гулхан ёқиб, исси, пальтосига ўранганча юлдузларни кузатган Горь кийнинг Павели кийган пальтодан кийгим келяпти

Яйловда чўпон ҳамқишлоғим билан гаплаши ўтирганимда баҳорнинг салқин ва ёмғирли кун ларида ивиб қолмасам бўлгани. Бўлмаса, тасаввуқ қиляпман, чўпон устимдан қандай кулишини.

Шундай пальто олайнки, даладан гул узиб севган қизимга узатганимда, бирдан ёмғир қуйворса уни бағримга тортганимда устимдан ёмғир ўтмасин. Совуқ кунда севганим бағримда исинсин.

Аммо... Жуда кўп дўконларни айланган бўлсамда, ўзим истаган пальтони топа олмадим. Онам яна қайғурдилар:

– Вақт ўтяпти, болам, совуқ жонингдан ўтиб бетоб бўлиб қолмагин-а? Кел, бирга бориб сенга пальто ола қолайлик?..

– Асло! – дейман қатъий. – Асло! Бу сафар ўзим ўзимга пальто оламан! Худди орзу қилганимдек!

Шундай деб онамнинг раъйини қайтарардим. Аммо ҳадеганда мен хоҳлаган пальто топила қолмади.

...Бир куни оёқларим мени эски-туски кийимлар сотиладиган дўконга элтди. Аммо энди у ерга пальто излаб эмас, аллақачон чин дунёга рихлат қилган мушфиқамнинг изларини излаб боргандим.

ОТАЖ

Емакхон
гаплашиб
официант

– Ҳамм
тинг! Ўн
мен ота


Уч-тўр
нинг кўл
юргани
риб, ўш
га ишон
шундай

– Ўш
келиб
ғимга
анчада
аёлида
олом
деяси
да гаг
тма қ

–
бўла
ним

Э

–
олд
бир
син



ОТАХОН ХИЖОЛАТ БҮЛМАСИН ДЕДИМ

Емакхонада ўтиргандик. Бир одам телефонда гаплашиб бўлиб, қувончдан қийқириб сакради ва официантни чақириб:

– Ҳаммага менинг номимдан кўфта кабоб тарқатинг! Ўн саккиз йиллик интиқликдан кейин бугун мен ота бўлдим! – деди.

Уч-тўрт кундан кейин эркакни 5-6 ёшли болачанинг қўлидан тутиб болалар хиёбонида сайр қилиб юрганини кўрдим. Уни таниган заҳоти ёнига бориб, ўша кунги ишини эслатдим ва ёнидаги болачага ишора қилдим. Эркак тортиниб, хижолат чекиб шундай деди:

– Ўша куни емакхонада менинг олдимдаги столга келиб ўтирган кекса эр-хотин ўзаро сұхбати қулоғимга чалинди. Онахон чолига: “Кўфта кабоб ейлик, анчадан бери егим келиб юрганди”, деди. Отахон эса аёлидан кўзларини олиб қочиб: “Хозир кўфта кабоб ололмаймиз, пулимиз фақат шўрвага етади, холос”, дея синикқина жавоб қилди. Шу орада мен телефонда гаплашгандай бўлиб, ҳаммага кўфта кабоб буюртма қилдим.

– Фақат ўша кекса жуфтликка олиб берсангиз бўларди, ҳамма хўрандаларга буюртма қилишнинг нима кераги бор эди? – дея сўрадим ундан.

Эркакнинг жавобидан кўзларим ёшланди:

– Фақат уларга олиб берганимда отахон аёлинин олдида хижолат бўларди. Шунинг учун ҳаммам бирдай меҳмон қилдим. Менинг пулим кетса кесин, бир эркакнинг иззат-нафси синмасин!

СЕНИ ЖАННАТДА КУТАМАН

- Кетяпман... - деди эркак. Аёл йиглади. Ҳожаси нинг бўйнидан кучди.

- Қараманг!.. - деди қатъий аммо паст товушда.

- Кимга, жоним? - дея сўради эркак.

Титроқ овозда оҳиста шивирлади аёл:

- Жаннатдаги ҳурларга!

Эр тишини-тишига қўйиб чукур "ух" тортди. Оғир-оғир сўзлади:

- Сен менинг жуфти ҳалолимсан. Бошқалар бирор дарим! Сени жаннатда кутаман!..

Ё ИБРАТ БЎЛАСИЗ ЁКИ ИБРАТ ОЛАСИЗ

Биркиши бирумричкилик, қимор, гиёҳвандликка ружуъ қўйиб, ғайру машруъ ҳаётда яшади. Бемақсад умргузаронлиги фақат ейиш-ичиш, ўйин-кулги, кўнгилхушлик билан ўтадиганларни ё итдай шарафсиз ўлим, ёки ҳибс кутади. Бу киши умрбод қамоққа маҳкум бўлибди.

Ортидан икки ўғли қолибди. Катта ўғил отасининг айни ҳаётида яшабди. Яъни, ўйин-кулги, кўнгилхушлик, ичкилик, қимор, гиёҳвандлик... Хуллас, отанинг оёқ изларини босавериб охир-оқибат ўзини қамоқхонада, отасига қўшни камерада кўрибди.

Иккинчи ўғил мактабда аъло баҳоларга ўқишига ҳаракат қилибди. Университетни тамомлаб, ўз тижоратини йўлга қўйиб, компаниясини ташкил этибди. Отаси ва акасига руҳан ўхшамаган йигит, таникли ишбилармон, бадавлат одамга айланибди.

Бу оиласининг ён бир отадан туғилған хитда ўсиб-улғайған ётидан ҳайратланади. Авшали билан учрашиш уриб, гуноҳ йўли, тақдирида оиласа мақолалар тайёрлайди. Катта ўғил журнал тушдинг?" дега

- Отамни билди, яна нима кутади?

Катта компашни ўғилни излаб, унга ҳам ўзининг нини айтибди:

- Оиласини билди, гиз, қанақа манзурни Шундай оиласи шундай дараси, компанияни билди.

- Отамни билди, яна нима кутади, ҳаётда олга

Журналини ташкил этибди:

"Ё ибрат бўланг!".



Бу оиланинг ён қўшниси бўлган журналист аёл бир отадан туғилган, бир уйда яшаб, бир хил муҳитда ўсиб-улғайган икки ўғилнинг икки хил ҳаётидан ҳайратланиб, улар ҳақида мақола ёзишга ахд қилибди. Аввал қамоқхонага бориб, катта ўғил билан учрашиш учун изн олибди. Ўзини таништириб, гуноҳ йўлида саргардон ёшлар ва уларнинг тақдирида оиласининг таъсири хусусида туркум мақолалар тайёрлаш ниятида эканини айтибди. Катта ўғил журналистнинг “Нега бундай аҳволга тушдинг?” деган саволига:

- Отамни биласиз-ку! Шундай отанинг ўғлидан яна нима кутасиз? – дея жавоб берибди.

Катта компаниянинг бош директори – иккинчи ўғилни излаб бориб, қабулига кирибди. Журналист унга ҳам ўзини таништириб, нима мақсадда келганини айтибди.

- Оилангизнитанийман, қандай тарбияланганингиз, қанақа муҳитда ўсганингизни яхши биламан. Шундай оилада туғилиб, ўсан бола қандай қилиб шундай даражага эриша олдингиз? – деган саволига, компания раҳбарининг:

- Отамни биласиз-ку! Шундай отанинг ўғлидан яна нима кутасиз? – деган жавоби журналистнинг ҳаётда олган энг катта сабоги бўлибди.

Журналист мақоласини шундай сўзлар билан туғатибди:

“Ё ибрат бўласиз ёки ибрат оласиз. Ўзингиз танланг!”.



ДУРАДГОР

Кекса дурадгор нафақа ёшига етганида раҳбари ишдан бўшаб, оиласи ва набиралари даврасда яшамоқчилигини айтди. Раҳбари дурадгорда сўнгги хизмат вазифасини бажаришини сўра рози бўлибди ва ишга киришибди. Лекин астойдиси ишлашни истамагани учун сифатсиз маҳсулотлар билан кўл учида уйни тиклади. Уй битгач иш берувчи буюртмасини кўздан кечириш учун келди. Ташқо эшик калитини дурадгорга берди.

- Бу уй сеники! - деди. - Шунча хизматларини учун сенга менинг ҳадям бўлсин!

Дурадгор ҳайратдан қотиб қолди. Уятдан ловлов ёнаётган юзини яшириш учун бошини ердан кўтаролмай қолди. Уйни ўзи учун қураётганини билганида шундай қиласмиди?..

Қиссадан ҳисса: Ҳар доим зиммангиздаги вазифани масъулият билан бажаришга ҳаракат қилинг.

СОЛИҲ ДЎСТ

Бир одамнинг қадрдон уч дўсти бор экан. Тақдир тақозоси билан у одамнинг уч дўсти ҳам учта бошқа-бошқа шаҳарда яшар эди. У дўстларининг садоқатини синамоқни хаёл қилди. Аввал бирига хизматкорини жўнатди. Хизматкор хожасининг иши юришмай, қарзга ботганини айтди. Дўст уни юпатиб, у айтган қарзни тўлашга етгулик микдордаги пулни бериб, изига қайтарди. Синовчи дўст биродарининг бу карамидан қувониб, хиз-

маткорини ик шаҳардаги кив эшитиб тоят кўлига қарзни тирикчиликка Синовчи дўст берганига Алжўнатишдан "Бу дўстим бдан бошқа нахволи ҳар қилма. "Иш қарзлари б қутулиб, и

Хизматкорини буюрганинтиб, боши чиқди. Хизматкорини палосу эси "Ҳеч бўлмай уйга нота қарз бўли

- Ҳа,

- Мана юборди.

- Ўзла

- Ўзи

тангага

Буга

тушди.

олим д

- Ун

ялинд

маткорини иккинчи шаҳарга жўнатди. Иккинчи шаҳардаги киши ҳам дўстининг қарзга ботганини эшитиб ғоят қайғурди. Эртасига хизматкорнинг қўлига қарзни қоплайдиган ва яна ўн йил давомида тирикчиликка асқотадиган маблағ бериб жўнатди. Синовчи дўст бундан ҳам қувонди, шундай дўстлар берганига Аллоҳга шукрлар қилди. Учинчи шаҳарга жўнатишдан олдин хизматкорга қаттиқ тайнлади: “Бу дўстим бадавлат эмас, ўзи олим одам. Унда илмдан бошқа нарса йўқ. Шу сабабли: “Хўжайинимнинг аҳволи хароб, катта қарзга ботган”, деб ваҳима қилма. “Ишлари ёмон эмас, фақат беш тангагина қарзлари бор, иншаАллоҳ яқин кунларда қарздан қутулиб, ишлари авж олиб кетади”, дегин.

Хизматкор олим дўст ҳузурига бориб хожасининг буюрганини билдириди. Олим дўст бу хабарни эшишиб, бошини эгди. Сўнг ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Хизматкор ўтирган уйига назар солди: йиртиқ палосу эски кўрпачадан бошқа ҳеч вақо йўқ экан. “Ҳеч бўлмаса беш тангаси бордир”, деб ўтирганида уйга нотаниш одам кирди-да: “Хожаси беш танга қарз бўлиб қолган хизматкор сенмисан?” деб сўради.

– Ҳа, – деб жавоб берди хизматкор.

– Мана сенга беш танга, буни шу уй эгаси бериб юборди.

– Ўзлари қанилар?

– Ўзи меникида. У кул бозорида ўзини менга беш тангага сотди.

Бу гапдан хизматкор ҳам ажабланди ҳам даҳшатга тушди. Кулдорга эргашиб унинг уйига борди ва олим дўст қархисида тиз чўкиб:

– Ундей қилманг, пулни қайтариб берайлик, – деб ялинди.

Мен бу одам билан шартлашиб, беш танга эвазига хилоф қила олмайман. Ваъдам кутқариш учун беш йил ишлаб беришга ваъда берганман. Ваъдам кутқариш учун беш йил ишлаб бериш мен учун хап эмас, - деган экан олим дўст.

ОТАДАН ЎҒИЛГА САБОҚ

Бир одам тез-тез Куръон ўқирди. Аммо ҳеч ёдлай олмасди. Бир куни ўғли унга:

- Отажон, Куръон ўқийверасиз, аммо ҳеч ёдлай олмайсиз. Ўқиганингизнинг қандай фойдаси бор? - деди.

- Ўғлим, - деди ота, - саволингга жавоб бераман. Лекин ундан аввал бўйра саватда сойдан сув олиб келгин.

Бўйра сават кўмир ташиш учун мўлжалланган эди.

- Бунинг имкони йўқ-ку? - деди ўғил.

- Сен айтганни қил, кўрамиз, нима бўларкин! - таъкидлади ота.

Ўғил бўйра саватни олиб сойга қараб кетди ва сув таший бошлади. Йўл яримламай сув оқиб кета-верарди.

Ўғил отасига:

- Отажон, бўйра саватда сув ташиб бўлмайди-ку! - деди.

- Майли, сен давом этавер-чи! - деган жавоб олди ўғил.

Ўғил яна бир бор сувга борди. Бешинчи бориб-ке-лишида қаттиқ ҳориган ўғил малолланиб отасига:

- Отажон, бу саватда сув ташишнинг иложи йўқ. Лекин нега сув олиб келишимни такрорляяпсиз? - деди.

- Саватдаг Отасини ватта қаради

- Ҳа, оташунақа, ўғла ташиб бўлмагани сари дунё ва унверади. Кунжалбининг қалб ва ридир. Зин ўқишнинг учма! - д

Бешинчи лаларни

Бир б

- Ўқи

деди. Ти берган

си чет

уйида лакай

дарс

кейин

Қа

- О

та қа

гиз!

Ваъдм.
клиқдан
учун ҳеч

ч ёлай
ї ёлай
бор? -

раман.
в олиб

ланган

кин! -

ди ва
кета-

и-ку!

олди

б-ке-
ига:
с. Ле-
деди.

- Саватдаги ўзгаришни сезмадингми, ўғлим?

Отасининг эътирофидан ўғил сергак тортиб саватга қаради:

- Ҳа, отажон, сават топ-тоза бўлибди. - Ана шунаقا, ўғлим. Бу саватда кўмирдан бошқа нарса ташиб бўлмаса-да, сув билан муносабатга киришгани сари тозаланиб бораверди. Инсон қалби ҳам дунё ва унинг ҳою ҳавасларидан кирланиб бораверади. Куръон ўқиган одам уни ёд ололмаса ҳам, қалбининг ғубори ариб, покланиб боради. Куръон қалб ва руҳнинг покловчиси, озуқаси ва шифосидир. Зинҳор шайтоннинг: "Ёд олмасанг Куръон ўқишининг нима кераги бор?" деган васвасасига учма! - дея ўғлига гўзал сабоқ берди ота.

СИЗДАН ОНАМНИНГ ҲИДИ КЕЛАДИ

Бешинчи синфда дарс бошланмасидан аввал болаларни бағримга босдим.

Бир болакай:

- Ўқитувчим, сиздан онамнинг ҳиди келади! - деди. Танаффусда ўқитувчилар хонасида гапириб бергандим, синф раҳбари ўша ўқувчисининг ота-онаси чет элда ишлаётганини, бола қариндошларининг уйида яшашини айтди. Хонадан чиқиб ҳалиги болакайни топиб, бағримга қаттиқ босдим. Ҳар куни дарс бошланишидан олдин ва дарс тугаганидан кейин уни қучоқлайман...

Қаҳвахонага кирдим:

- Официант, менга иккита шакарсиз қаҳва ва битта қаймоқли пирожнийни иккига бўлиб келтирсангиз! Хизматчи буюртмамни олиб келди:

- Икки кишимисизлар?

- Йўқ. Бир ҳиссаси қалбимдаги учун! Ҳисоб-китоб
варақаси устига бир гул кўйиб кетди хизмат.
Ҳайрон тикилдим унга.
- Қалбингиздаги бериб юборди буни...

ОНАМГА БИР ҚУЧОҚ ГУЛ ОЛАРДИМ...

Университет таҳсилини тамомлаб эндиғина ишлаб бошлаган йилим эди. Ҳаяжон билан бешинчи синфларга дарсга кирдим. Биринчи дарсимни қизиқарли ўтишучун синф доскасига инглиз тилида: "Бир кунни бой бўлсан онамга совға қиласан", деган жумланы ёздим-да, ўкувчиларга қараб:

- Болалар, сиз доскага ёзилган жумладаги нуқтадар ўрнига ўзингиз хоҳлаган сўзни кўйиб, гапни тўлдиринг. Тушунарлимиси? - дедим.

Ўкувчиларга варак тарқатдим. Синф сув кўйи гандек жимжитлик ичидаги қолди. Болалар синф таҳтасига кўз тикиб хаёлга берилдилар. Беш дақиқадан сўнг синф хонасини кезиб, тарқатган қоғозларимни йиғдим ва бирма - бир ўқий бошадим. Онасига қаср совға қилишни, машина олиб беришни, ҳаж зиёратига юборишни орзу қиларкан менинг жажжи дўстларим. Беғубор орзуларни ўқиганим сари синф кўзим туада кулги кўтаришар, тийнати покиза болажонларди. Оёғининг шаффоғ ниятидан кўнглимга нур инарди кирдим. Сўнгги варакдаги ёзувни ўқидим. "If I were rich, I would buy flowers for my mom".

Бу гапнинг эгаси синфга шу йили янги келган қоғозд ҳеч ким билан очилиб гаплашмайдиган, маъюсгина Сардор билан болакай эди.

- Орамизда романтик дўстимиз ҳам бор экан, - ой ав дедим. - Сардор, ўрнингдан туриб ўртоқларингга бу ган б



варакча нима ё

- Бир куни бовози маҳзун,

Синфда енг

- Мен жуғархада ўзингизни борада килиб, сўнг ёзиладим, дегани сўрадим.

Бироз жиҳоз

- Хаёлим охиста. Чемер сум ва қай

- Тушунима келиб

Жавоб

Дарс яшади. Болалар дилар.

Эртаси отаси меъдани Сардорнинг туади

дўстларим. Беғубор орзуларни ўқиганим сари синф кўзим туада кулги кўтаришар, тийнати покиза болажонларди. Оёғининг шаффоғ ниятидан кўнглимга нур инарди кирдим. Сўнгги варакдаги ёзувни ўқидим. "If I were rich, I would buy flowers for my mom".

иҷимдиди

Бу гапнинг эгаси синфга шу йили янги келган қоғозд ҳеч ким билан очилиб гаплашмайдиган, маъюсгина Сардор билан

болакай эди.

- Орамизда романтик дўстимиз ҳам бор экан, - ой ав дедим. - Сардор, ўрнингдан туриб ўртоқларингга бу ган б



вараққа нима ёзилганини тушунтирасанми?

– Бир куни бойиб кетсам, онамга жуда кўп гуллар совға қиласман, – деб ёзилган устоз... – Сардорнинг овози маҳзун, лекин қатъият билан чиқди.

Синфда енгил кулгу кўтарилиди.

– Мен жуда бой бўлсангиз, дегандим. Яъни ўзингизни бойиб кетган бадавлат дея тасавур қилиб, сўнг ёзинг дедим. Шунга қарамай, гул олардим, деганингнинг ўзига хос сабаби бордир? – дея сўрадим.

Бироз жим турди-да:

– Хаёлимга бошқа нарса келмади-да, устоз! – деди оҳиста. Чехрасида Мона Лизанинг юзидағи табасум ва қайғу қоришиқ ғарип ифода зоҳир эди.

– Тушунтирдим-ку, Сардоржон? Хаёлингга бирор нима келиши учун яна нима қилишим керак эди?

Жавоб варақаларини болаларга тарқатдим.

Дарс якунланганини билдириб қўнғироқ чалинди. Болалар тўзғиган ари уясидек ташқарига отилдилар.

Эртаси куни тонгда мактабга келсам, Сардорнинг отаси мени коридорда кутаётган экан. Кўлида кеча Сардорнинг орзуси ёзилган ғижимланган қофозга кўзим тушди. Ўтириб бироз гаплашдик. Сўнг у кетди. Оёғимни зўрға босиб ўқитувчилар хонасига кирдим. Бошим айланарди. Юрагимдан ўкириққа ўхшаган нарса тўлиқиб келар, нафасим тиқилиб, ичимда нимадир портлашга шай тургандек эди. Мен қофоздаги кичик бўшлиқни гул билан тўлдирган Сардорнинг ҳаётидаги улкан бўшлиқни ҳам гул билан тўлдиришга уринаётганини англашим. Уч ой аввал баҳтсиз ҳодиса туфайли онасидан айрилган болакай ҳар жума куни отаси билан онасининг

қабрини зиёрат қилишни канда қилмаслигини ўзи билан онаси ёқтирган гулларни олиб боришин билдим. Кеча тунда отаси эшитмаслиги учун юзни ёстиққа үраб тонгача ўксиб йиғлаганини эшидим. Ба англашимки фақатгина университетнин ўқитувчилик дипломи билан устозликни ўргани бўлмас экан.

ДАДАМ ХАФА БЎЛМАСИНЛАР

- Ойижон, илтимос, боғчада ўртоғимни урганимни дадамга айтманг... - Қизчанинг пастки лабы чўччайиб, киприклари пирпиради.
- Даданг уришмайдилар-ку, қизим. Дадангдан яширишимиз яхши эмас...
- Йўқ, ойижон, дадам билсалар мендан хафа бўладилар. Хафа бўлишларини хоҳламайман! - Қизалоқ йиғламсираб гапирди.

Қизчасини ердан даст кўтариб бағрига босган она, бир неча кун аввал эри билан бўлиб ўтган суҳбатни эслади:

- Қизингизни уришмайсиз, танбех бермайсиз. Кундан-кунга эркаланиб кетяпти. Худо кўрсатмасин ҳеч кимга қулоқ осмайдиган бўлса-чи?

- Мен тўғри қиляпман. Қизимизни уришмайман Унга ҳар доим: "Сен ножўя иш қилсанг, кимdir сендан шикоят қилса мен хафа бўламан, қизим" дейман холос. Бир куни бу ишим тўғрилигини тушунасан.

Эри ҳақ экан. Қизалоғини бағрига қаттиқ босди:

- Дадангни хафа қилмаймиз, қизим, ҳеч қачон!..

КЎЗЛА

Эр шоша
нинг олдига
- Менга
Аёл ҳайр
- Нима
бўлибдим
Эр сўзси
кўзларига
- Алҳа
дим. Ҳану
бир-бира
тўкилад
югурдим
руҳим е

Эр шу
дай шои
шўнғид

- Ой
далар
- Ки
- И
китоб
жажж
кўрас
лика
дарс
бара

КЎЗЛАРИМГА ТЕРМУЛ, ГУНОХЛАРИНГ ТЎКИЛСИН

Эр шоша-пиша ошхонада куймаланаётган аёлининг олдига келди:

– Менга қара, кўзларимга қара-чи?

Аёл ҳайрон тикилди хожасига:

– Нима бўлди, тинчликми? Кўзимга нимадир бўлибдими?

Эр сўзсиз термилиб тураверди жуфти ҳалолининг кўзларига. Бир муддат тикилар экан:

– Алҳамдуиллаҳ! – деди эр. – Эрталаб оғир уйғондим. Ҳануз бу оғирлик эзаверди елкамни. “Жуфтлар бир-бирига муҳаббат билан тикилсалар гуноҳлари тўкилади”, деган ҳадис келди хаёлимга. Ёнингга югурдим. Аллоҳга шукр, кўзларингга тикилгандим рухим енгиллашди...

Эр шундай дея қандай шошиб кирган бўлса, шундай шошилиб ошхонадан чиқди-да, яна ишига бош шўнғиди.

КИНОЛАРДАГИ ДАДА

– Ойижон, Гулсеварнинг дадаси кинолардаги дадаларга ўхшар экан.

– Кинолардаги дада қандай бўлар экан, қизим?

– Ишдан келганида кўғирчоқ, шоколад ё суратли китоб олиб келади. “Менинг она қизим қани? Оҳ, жажжи маликамни соғиндим! Сен ҳам мени яхши кўрасанми? Қани, дадасини бир ўпиб қўйсин, маликам!” дейди. Гулсеварлар билан ўйнайди. Бирга дарс тайёрлайди. Ухлашдан олдин эртаклар айтиб беради.

Аёлнинг кўзи тиниб, боши ғовлаб кетди. Эри бу
лан зиддиятларга бориб, ўзи билан ўзи олишиб ю
ган кезларда: "Болаларим ўртоқларининг дадасиг
эркаланаётганини кўриб эзилиб яшайдими?" Деган
рўкачни сабаб қилиб узилган ришталарни боғлаш
уринган эди.

- Болаларим дадаси ёнида бўла туриб ота меҳриғ, фойда йўқ. Ме
зор яшагандан кўра, дадасидан узокда эзилиб яша ги одамлар ём
гани минг чандон афзал эди-ку... - Шивирлаган то. Кўнглинга то
вушки ўзига инграгандек эшитилди.

ИШОНСАНГ - КЎРАСАН

Унинг биргина орзуси бор эди - онаси уларга ку кўнгил кўзли
либ, эркалаб гапиришини истарди. Катта бўлган лингни исла
сайнин орзуси кичик нуқтага айланиб бораверди истаганинг
Онаси уларга деярли кулиб гапирмас, отаси билан ганинг - ба
кўп уришишарди. Аламзада онанинг тарбиясини
кўрган фарзандлар ҳам асабий, жizzаки, ҳаётдан лингни ис
норози бўлиб улғайишиди.

Унинг вужудида икки одам яшарди. Бири лади! Хаёл
меҳрибон, оқила, самимий, ишонувчан, беғубор қиз - Аниқ
иккинчиси - жаҳлдор, тили заҳар, ёвуз ва аламзада гача фақат
қиз. Баъзан бу икки рӯҳ бир жисмда талотўп бош тадим, ам
лардилар. У қайбирининг ҳақлигини билолмай аро нур кўзни
сатда қоларди. Сўнг эса... албатта иккинчи рӯхнинг кўйди. -
измига тушарди.

Вақт оқиб ўтаверди. У бахт ҳақида орзу қили! - Шун
юраверди. Умр елдек елаверди. У ҳаловат ҳақидишионмос
орзу қилиб юраверди. Умрининг энг гуллаган давр! - Шун
орзу ва алам орасида кечаверди.

Бир куни Аллоҳ унга инсон сиймосида најот фўмонла
риштасини юборди.

- Сен ўзгариш
фасидаги малак
ўзгаради, атроф
қалбингдаги хи

- Йўқ, - дед
гани минг чандон афзал эди-ку... - Шивирлаган то. Кўнглинга то

- Сен бутқ
фаришта. - Ту
Аммо инсон
сен бошқала

- Демак,
- Ҳа! - қа
лингни ис

- Аниқ
гача фақат
тадим, ам

- Сен и
нур кўзни
кўйди. -

"Ишонса

- Шун
ҳақидишионмос
лигига

акс сад

лигига

– Сен ўзгаришинг керак, – деди муниса аёл қиёфасидаги малакунга. – Ишон, сен ўзгарсанг ҳаммаси ўзгаради, атрофингдаги одамлар ҳам, ҳаётинг ҳам, қалбингдаги ҳиссиётлар ҳам ўзгаради.

– Йўқ, – деди у қайсарлик билан. – Ўзгаришдан фойда йўқ. Мен ахир ёмон эмасман-ку! Атрофимдаги одамлар ёмон. Улар ишончингни поймол қиласди. Кўнглинга тош отади. Бари манфаати битгунча дўст.

– Сен буткул ноҳақсан, – деди Яратган йўллаган фаришта. – Тўғри, сен айтган одамлар ҳам бор ҳаётда. Аммо инсонларнинг бари ундан эмас. Қолаверса, сен бошқалар билан ишинг бўлмасин, ўз қалбингни, кўнгил кўзларинг ойнасини ғубордан тозала, феълингни ислоҳ қилгин, ишон, албатта сен кутганинг, истаганинг аммо унга эришиш учун қадам ташламаганинг – барча ёруғликлар ўз-ўзидан сенга ёғилади.

– Демак, – каловланди у.

– Ҳа! – қатъий таъкидлади фаришта-аёл. – Сен феълингни ислоҳ қилсанг, Аллоҳ аҳволингни ислоҳ қиласди! Хаёлларинг ҳаётинга айланади, буни унутма.

– Аниқми? – иккиланиб сўради у. – Мен шу пайтгача фақат баҳтили бўлишни, кўзёш тўқмасликни истадим, аммо...

– Сен истадинг, аммо ишонмадинг. – Чеҳрасидаги нур кўзни қамаштирадиган аёл беозоргина кулиб қўйди. – Сен: “Кўрсам ишонаман”, дейсан, коинот: “Ишонсанг кўрасан!” дейди.

– Шунда... мен истаганим юз беришига астойдил ишонмоғим керак, шундайми?

– Шубҳасиз! – Фаришта-аёлнинг овози борлиқда акс садо берди. – Орзуларинг ушалишига, дунёда ёмонлардан яхшилар бир неча минг ҳисса кўплигига, сенга аталган баҳт олий саодат эканига

ишен! Шунда албатта, сен кутган, сен истаган, сен орзиқтирган орзуларинг рўёбга чиқади. Ҳаловат хотиржамликка эришасан.

У бутун вужуди билан аёлнинг айтганлари ишонди ва амал қила бошлади. Такдирдан фака ёруғ кунлар кутиб ўзни ҳаёт измига буткул ташлади

дирганини айттолмади совчиларига рад жавохисиз учрашув кўнгламадир тилига тушонлар", деди кўзларига Тўйбўлди. Пинҳон қалблар ҳаётга шўулар туйғуларини диша қиладиган осини бирга тортаётаси ва фарзандла

Орадан бир қанча муддат ўтиб у аёл-фаришта билан учрашиб қолди. Энди у аввалги аламзода, жан жалкаш, атрофдагиларга ишончсиз қиз эмас тўки баҳт соҳибаси эди.

Аёлнинг саволчан нигоҳларига қараб шундай жаъвоб берди:

- Сиз ҳақ экансиз! Мен ўзгардим, атрофимдагиларга баҳт ва шодлик улашдим. Аллоҳ эса менга иштаганимни берди!..

АСЛ ИШҚНИНГ ИФОРИ

Йигит қизни жимгина кузатарди. Умумий дўстлари кўп бўлгани учун баъзан зиёфатларда бир даврада ўтириб қолардилар. Шундай кезларда йигит зимдан қизга термилар, баъзан ўзини, атрофигит унутган ҳолда қизга узоқ қараб қоларди.

Қизнинг ҳам йигитга мойиллиги бор эди. Бирор йигитдан сас-садо чиқмагани учун сулув қиз жавоб сиз севгисини қалбининг туб-тубига кўмган эди.

Бир куни қизнинг уйига йигит томондан совчи яхши кўрганлар борди. Катталар ёшларни учраштириши. Бир ихтиёр дастр бирини пинҳона севган ошиқ-маъшуқанинг учрашува эрининг ҳамини совуққина кечди. Жуда камгап ва ҳиссиётларин уялиб, қимти ошкор қилишдан уядидиган йигит учрашувда қизн май қулоқла жонидан ортиқ севишини, муҳаббатининг исбот ҳақиқий ва учун уйига совчи йўллаб, уйланиш истагини билди. – Сиздан

дирганини айттолмади. Қиз уйига қайтиб йигитнинг совчиларига рад жавоби бермоқчи бўлди, совуқ ва ҳиссиз учрашув кўнглини абгор қилганди. Аммо нимадир тилига тушов бўлди. "Ўзларингиз биласизлар", деди кўзларига илҳақ термилган онаизорига.

Тўй бўлди. Пинҳона муҳаббатоташида қовурилган қалблар ҳаётга шўнғиди. Йиллар ўтаверди. Энди улар туйғуларини бир-бирига изҳор қилишдан андиша қиласидиган ошиқ ва маъшуқа эмас, оила аравасини бирга тортаётган эр-хотинлар эди. Никоҳ риштаси ва фарзандлар бир-бирига боғлаб турган қутб.

Йиллар ўтди. Фарзандлар улғайиб, қиз аёлнинг қалбидаги ишқ алансаси оналик муҳаббатининг қайнок тафтига дўнди. У эри уни севмаслигини, шунчаки унга муносиб бўлгани ва ота-онасига маъкул бўлгани учун уйланганига йиллар бўйи ўзини ишонтириб яшади.

Бир куни болаларининг болаликда кийган кийимчаларини тахлаб, сандиққа жойлаб қўяётиб эри ҳар доим эгнидан қўймай киядиган костюми чўнтағидан кўриниб турган аллақандай матога кўзи тушди. Файритабии қизиқиши устун келиб, турмуш курганларидан бери ҳеч қилмаган иши - эрининг чўнтағига кўл солди. Ва кўзларига ишонмасди. Эрининг чўнтағидадаги мато ўзи бир неча йиллар олдин бир дугонасининг туғилган кунида йўқотиб қўйгани яхши кўрган ифори сепилган дастрўмолчasi эди. Беихтиёр дастрўмолни бурнига яқинлаштириб ҳидлади ва эрининг шунча йил орасида факат бир мартагина, уялиб, қимтиниб тилига кўчирган ва ўзи аҳамият бермай қулоқларининг остидан ўтказиб юборган, аслида ҳақиқий ва асл муҳаббат изҳорини энтикиб эслади:

- Сиздан мен яхши кўрган ҳид ифори келади!..

ГҮЗАЛ НАРСАЛАР САБРДАН КЕЙИН КЕЛАДИ

Туркиялик дугонам Элиф билан Фейсбук ижтимоий тармоғида танишганмиз. Бир куни менга сабрларидан жүннатишини сұрагандым, узрхолди билан шундай жавоб ёзибди: "Жон дүстим, мениң этгайсан, ҳозир сенга сурат жүннатишина хижолаттыман. Чунки кече эрим билан жанжаллашдык. У мен аямай дүп послади. Юз-күзим калтак ва йиғи зәр бидан шишиб кеттган. Бироз үзимга келай, албатын сенга суратимни жүннатаман". Орадан иккى күн үткін виртуал дугонамдан сурат келди. Ҳақиқатан ҳақиқи юзи шишигана, қовоқларининг усти күкариб ётганды. Унга ачиндим, бироқ тузукроқ танишига ҳам ултурмаганим бир инсоннинг шахсий ҳаётига аралашынан ундан эри билан муносабатлари ҳақида сұрагын келмади. Кечки пайт фейсбукка киргандым, туркиялик дугонам менга күнглини очди. Элифнин маҳзун ҳикояси юрагимни ўртади.

"...Асли юнон миллатига мансубман. Грециялық ман. Исмим Никола эди. Истанбул университети нинг хуқуқ йўналиши халқаро гуруҳига ўқишига кирдим. Таҳсил мобайнида Туркия давлати, кишилар менга маъқул бўлди. Бу ерда ёшлар катталарни хурмат қилар, эҳтиромини ёши улуғларнинг қўлинни ўпиш билан билдиришар экан. Таомлари, маданияти, тўй-маросимлари жуда чиройли бўлган бўлган бўлди. Балки турмуш ўртоғимга шу сабабдан ҳам кўнглимда муҳаббат уйғонгандир. Худо, курсдошим бўлган турк йигити билан дўстони лас, курсдошим бўлган турк йигити билан дўстони муносабатларимиз муҳаббат тусига кирди. Мен Қалқон (эрим)дан иккى ёш каттаман. Бунинг устининг эр-

га ўшанда ғайридин ёшимиздаги тафову одатларимиз ўргаса қилолмади. Бир-бiri Унинг ота-онаси мишибди. Қалқон мен

- Агар мени чи муҳаббат оғушиданини қабул қиласа урф-одатларимиз ўзлаштирасан. Ақила оламан, - дилди. Ислом мон йигит билан яқинларим қатаролмаган йигитни танлашын Албатта, мен бўлмаса-да исла-

тиридим. Қалқон Менга туркча

- Исмим Элфини қўллаб-

- Жуда яхши порлаб.

Исмимни

лини ўрганди

рида ўқиб та

нарсани ўз

яна мени с

уйланиши

га ўшандың тайридин эдим. Орамиздаги узоқ масофа, ёшимиздаги тафовут ва тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз ўртасидаги фарқ бизга түсқинлик қилолмади. Бир-биirimизни жуда қаттиқ севардик. Унинг ота-онаси мени қабул қилмаслигини айтишибди. Қалқон менга:

— Агар мени чин дилдан севсанг, бир умр меҳр-мухаббат оғушида яшашни хоҳласанг, ислом динини қабул қиласан. Турк тилини пухта ўрганасан, урф-одатларимиз, таомларимиз тайёрланишини ўзлаштирасан. Ана шунда мен ота-онамни рози қила оламан, — деди. Унинг таклифини сўзсиз қабул қилдим. Ислом динини қабул қилишим ва мусулмон йигит билан турмуш қуришимга ота-онам, яқинларим қаттиқ қаршилик қилишди. Фикримдан қайтаролмаганларидан сўнг менга: “Ё бизни, ё ўша йигитни танлайсан!” деган қаттиқ шарт қўйишиди. Албатта, мен Қалқонни танладим. Ота-онам рози бўлмаса-да ислом динини қабул қилиб, калима келтирдим. Қалқон исмимни ўзгартиришимни айтди. Менга туркча исмларидан Элиф исми жуда ёқарди.

— Исмим Элиф бўла қолсин? — дедим унинг таклифини қўллаб-куватлаб.

— Жуда яхши, — деди Қалқон севинчдан кўзлари порлаб.

Исмимни ўзгартирдик. Репетитор ёллаб турк тилини ўргандим. Пазандалик, рўзғор тутиш курсларида ўқиб турк қизлари билиши шарт бўлган ҳамма нарсани ўзлаштирдим. Олти ойдан кейин Қалқон яна мени ота-онаси ҳузурига бошлаб бориб, менга уйланишига рози бўлишларини сўради. Бўлажак қайнонамга турк тили ва турк таомлари, турк аёлининг эри олдидаги вазифалари, мусулмон аёли-

нинг одоби ва зийнатлари хусусида имтиҳон та
ширганимдан кейин улар мени келин қилишга ро
бўлишди.

- Аммо биз ота-онаси рози бўлмаган қиз
зўрлик билан келин қилмаймиз, - деди қайнота
- Биз расм-русумимизга кўра сеникига совчилик
бориб, ота-онангнинг рози-ризолиги билан сени
лин қиласиз.

Хавотир билан Грецияга - уйимга уларни бошли
бордим. Онам тўнини тескари кийиб олди. Отам ҳад
аввалига қовоғини очмади-да, бироз ўйлаб кўрга
Қалқон ва ота-онасининг олдида менга шундай
деди:

- Майли, сенинг қарорингни ҳурмат қиласиз. Ў
йигит билан баҳтли бўлишингга кўзинг етса, би
ҳеч нима демаймиз. Лекин сен қабул қилган дин
ота-она розилигисиз фарзанд баҳтли бўлолмаслиг
ҳақида айтилади. Биз ҳам ниманидир билганим
учун, сенга сен истаганингдан кўра кўпроқ яхш
бўлиши учун турк йигитига турмушга чиқишинг
қаршилик қилаётгандик. Балки адашаётгандир
миз, балки бу йигит билан сени баҳт кутаётгандир
Майли, қаерда бўлсанг ҳам омон бўл. Сен хурсан
бўлсанг, бизга шу керак.

Ота-онам тўйга қатнашолмаслигини айтишди.
Афсуски, севган инсоним билан висолга эришаётга
ним учун ўша пайтда бу нарса менга унчалик таъ
сир қилмаганди. Тўйдан кейин одатий ҳаёт бошли
ниб, барча турк келинлари бажариши керак бўлга
вазифаларни адо этишга киришдим. Бир неча ой
дан сўнг Қалқонни Бурса вилояти амнияти мудир
лигига ишга юборишди. Биз Бурсага кўчиб келдик
Мен шаҳар полиция маҳкамасида полиция маъмур

вазифасига ишга
қизалогимиз туғи
биrimizni сева
Аллоҳнинг марҳа
гўзал қизча эди-

- Гўзал муҳабб
ди, - дея астайди
узокқа чўзилми
хасталиги алом
лан куним кади
докторларнинг
га қолди. Қиз
Аммо гапирм
Имтиҳон дун
Муҳаббатга
қизалогимиз

Қизимизни
лиги ҳам ме
қилиб бақ
ота-онасига

- Сен би
деб бақира
мизда хур

Ундан
Дилим он
севаман.
бердим.
нат қили
афсусла
гўзал са
ва хот

Бироқ

вазифасига ишга тайинландим. Бир йилдан сўнг қизалоғимиз туғилди. Биз жуда бахтли эдик. Бир-биримизни севар, жон қадар асраб-авайлардик. Аллоҳнинг марҳамати билан қизалоғим шунақанги гўзал қизча эди-ки, эр-хотин унга қараб тўймасдик.

— Гўзал муҳаббатдан гўзал фарзанд дунёга келди, — дея астойдил севинарди Қалқон. Аммо бахтим узоққа чўзилмади. Шифокорлар қизимда аутизм хасталиги аломатлари борлигини айтишди. Шу билан куним касалхонама-касалхона саргардонлик, докторларнинг оғзига илинж билан термилишларга қолди. Қизим айни пайтда саккиз ёшга тўлган. Аммо гапирмайди. Бунинг устига сержаҳл, инжиқ. Имтиҳон дунёсида ҳар банданинг синови бўлар экан. Муҳаббатга ишониб бахтсиз турмушга кўнганим ва қизалоғимнинг хасталиги менинг синовим экан.

Қизимизнинг хасталиги устига эримнинг золимилиги ҳам мени ҳолдан тойдирди. Сал нарсага жаҳл қилиб бақиради, дўппослайди. Унинг зулмидан ота-онасига шикоят қиласай десам, улар ҳам баъзида ўғлидан ошириб юборади.

— Сен билан фақат қизим учун яшаб юрибман! — деб бақирди бир гал жанжаллашганимизда. — Ўртамизда ҳурмат ҳам, меҳр-муҳаббат ҳам қолмаган!..

Ундан бунчалик қаттиқ таънани кутмагандим. Дилем оғриди. Мен уни севардим. Тўғриси, ҳануз севаман. Унинг учун қанчадан-қанча қурбонликлар бердим. Ота-онамни норози қилдим. Севгимга хиёнат қилмадим. Ислом динини қабул қилганимга ҳеч афсусланмайман, чунки бу дин қийинчиликларга гўзал сабр қилган инсонга албатта бир куни ҳаловат ва хотиржамлик насиб этишини таъкидлайди. Бироқ ота-онасини рози қилолмаганлар икки дун-

ёда рўшнолик кўрмаслигини ҳам шу диннинг лимотидан билганман. Баъзида ота-онамни нори қилиб Қалқон билан турмуш курганим учун фарзандим касалманд туғилдими, эримнинг Мардан кўнгли совиудими, дея ўйлайман. Ахир ёми юрмасам, ота-онасини бехурмат қиласам, ҳамиши хизматига шай турсам, нега ўртамиздаги хурмат муҳаббат дарз кетиши мумкин? Дугонажон, ўзиш айт, мен хато қилганманми? Қалқонга турмуш чиқмаганимда исломни қабул қиласан, умрим за лолатда ўтган бўларди-ку, Худо асрасин. Ота-она ҳам фарзандининг баҳти учун астойдил розили берib, хурсандчилик билан тўйимда қатнашиш бўларди-ку? Ёхуд эркак севгиси вақтинчали ҳавасми? Мен ҳам баҳтли бўлишга ҳақим бор-ку Мен қаерда адашдим?..”

Элифнинг саволларига жавоб бериш менга оғиз бўлди. Шунинг учун унга ўзбек аёлларининг ширига айланган бир жумлани айтдим: “Сабр қили Элифжоним, бир куни жуфтинг сен у учун дунёда ги энг азиз ва ягона инсон эканлигингни англайдай ҳаддин Ҳозирча бир-биринга чидаб яшаб тур, кексай бақирдим. нингда бир-биринга суюниб яшайсан!..”

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Онамнинг бир кўзи ожиз эди. Шунинг учун унга сафарга ёмон кўрадим. Чунки онамнинг кўрлигидан ўз кетдим. лардим. Тириклий учун онам мактабда ошпазли ўйимизг қиласди. Бошланғич синфда ўқирдим ўша кезлар Негада. Бир куни онам мени кўргани синфимизга келди туйдим. Унга кўзим тушган заҳоти уятдан ерга кириб кетту соғ одадек бўлдим. Қайси юз билан менга кўринди экан ўргили

Онамга нафрат бўқочиб чиқдим. Эрдан кулди: “Онамни мактубуни онамнинг ёни боладигиздан кўра ўлгани

Онам жавоби римни бир соғазаб ва нафр қизиқтириласад тамадим. Шунга гапурга ўқиш олдим. Фарзандини келди, ҳатто яқинлашганни ришиди.

Онамга:

– Уйимга – Айбага

– деди ва қатиб кетибдан

Онамга нафрат билан бир қарадим-да, синфдан қочиб чиқдим. Эртаси куни бир синфдошим устимдан күлди: "Онанг бир күз!" Уятдан ўлгиларим келди. Онамни мактабдан йўқолишини истадим. Ўша куни онамнинг ёнига бориб:

- Мени болаларга масхара қилдириб қўйганингиздан кўра ўлганингиз яхши эмасми? - дедим.

Онам жавоб бермай, ерга тикилди. Гапларимни бир сония ҳам ўйламадим. Чунки қаттиқ ғазаб ва нафратда эдим. Унинг изтироблари мени қизиқтирмасди. Онам билан бир уйда яшашни истамадим. Шунинг учун кўп ҳаракат қилдим ва Сингапурга ўқишга кирдим. Кейин уйландим. Ўзим уй олдим. Фарзандларим бўлди. Бир кун онам мени кўргани келди. Неча йилдирки мени кўрмаган эди, ҳатто невараларини ҳам танимасди. Эшикка яқинлашганида болаларим уни кўриб кулиб юборишиди.

Онамга:

- Уйимга келиб болаларимни қўрқитишга қандай ҳаддингиз сиғди? Тез бу ердан кетинг! - деб бақирдим. Бунга жавобан онам паст товушда:

- Айбга буюрманг, янгиш манзилга келдим, чоғи?
- деди ва кўздан ғойиб бўлди. Бир куни мактабни туғатиб кетган собиқ ўқувчилар йиғилишаётгани сабабидан таклифнома олдим. Рафиқамга иш бўйича сафарга чиқаётганимни баҳона қилиб, йиғилишга кетдим. Тадбирдан кейин қизиқиш важидан эски уйимизга кирдим. Онам бироз хаста экан.

Негадир шу пайтга қадар ҳис этмаганим - ўқинч туйдим қалбимда. Шўрлик онам мени кўриб соппасоғ одамдек ўрнидан "даст" этиб турди. Айланиб ўргилиб бурчакда турган эски сандиғидан ши-

ринликлар олиб, дастурхон ёзди. Мен уялаёттимидим ёхуд раҳмим келса-да, ҳануз онамнинг бўлганини кўзлигидан ирганаётганмидим, хуллас аллакандо бегоналик бор эди ўртамиизда.

- Сени кўрмай ўлиб кетаман, деб ўйлагандим, дея гап бошлади онам, бир кўзидан ёш оқиб. - Ани доринг армоним бўладими, дея ҳар куни сенга мав тублар битардим. Шукр, бугун эшигимдан ўзинг юриб келдинг...

Онам шундай дея менга таом тайёрлаш учун ошхонага ўтиб кетди. Ўрнимдан туриб болалиги ўтган уйнинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечира бошли дим. Кўзим онамнинг ёстиғи тагидан кўриниб турган қоғоз тахламига тушди. Назаримда улар менга ёзилган хатлар эди. Қизиқиш устунлик қилиб бир хат жилдни очиб ичидаги хатни ўқишига тиндим:

"Энг севикли ўғлим, ҳамиша сени ўйлайман, сени ди: соғинаман,- дея бошлаганди мактуб. - Сингапур, - Илтимос, ж бориб болаларингни қўрқитганим учун хижола риб, одамларни даман. Собиқ ўкувчилар йиғилиши тадбирига келганишини танимаси кўриш учун ётоқдан қўзғала оламанми-йўқ билмайман. Улғайганингда сенинг уялишинга с уни танимаси кичкиналигинда фалокат юз берив, бир кўзингни ташқарисида йўқотдинг. Она бўла туриб сени бир кўз била - Бу аёлга улғайишинга жимгина қараб туролмасдим. Бундай бўламан, қадо тоқатим етмасди. Шунинг учун сенга ўз кўзимни қаради-да, и бердим. Бу кўз билан менинг ўрнимда кўради, дея - Оладиг сен билан шу қадар ғуурланиб юрдимки, аст - дея сўра кўявер, болам. Сени яхши кўриб, дуоларида баирғади. тингни, умрингни сўраб қолувчи онанг..."

Мен адо бўлгандим, римдан мадор қочди ўтганимни, онамни қолдим. "Мени кечи онамнинг оёқлари мен ҳам?"

дус

Факирона кийин кирди. Дўкон соҳи эри оғир хастали ётиб қолгани, еттазобидан қийнатерс қараб:

- Эй, тиланчи деди. Аёл эса бо

Мен адо бўлгандим. Адойи тамом эдим. Оёқларимдан мадор қочди. Қандай қилиб ошхонага ўтганимни, онамни бағримга босганимни билмай қолдим. "Мени кечиринг, онажон", дедиму ўзимни онамнинг оёқлари остига ташладим. Инсонманми мен ҳам?

ДУОНИНГ ЗАЛВОРИ

Факиронакийинган, маъюсаёл сабзавот дўконига кирди. Дўкон сохибига тортинибгина яқин борди ва эри оғир хасталик туфайли ишга ярамай, тўшакка ётиб қолгани, етти боласи борлиги, уларнинг очлик азобидан қийналаётганини айтди. Сотувчи унга терс қараб:

- Эй, тиланчи хотин, дарҳол дўконни тарқ эт! - деди. Аёл эса болаларининг очлигини айтиб ёлворди:

- Илтимос, жаноб, болаларимни қорнини тўйдирб, одамларнинг эшигига ишлагани жўнатаман. Улар пул олиб келган заҳоти қарзингизни қайтараман!

Дўкондор аёлнинг илтижоларига парво қилмай, уни танимасилиги, доимий харидорларидан эмаслигини айтиб илтимосини рад этди. Шу пайт дўкон ташқарисида турган бир мижоз сотувчи билан аёл ўртасида бўлаётган сұхбатни эшишиб қолди ва ичкарига кириб дўкондорга:

- Бу аёлга сўраган нарсаларини бер, мен кафил бўламан, қарзини қайтаради, - деди. Сотувчи аёлга қаради-да, истамайгина:

- Оладиган нарсаларингни рўйхат қилганмиса - дея сўради. Аёл тасдиқ маъносини бериб бирғади.

- Ундаи бўлса уни тарозининг бир палласига ўзинг оладиган нарсалар кўй. Рўйхат қоғозингни вазнига тенг нарсалар бераман, - деди. Аёл бошини қуи солиб тарозининг чўнтағидан қоғоз парчаси олиб тарозин бир палласига қўйди. Шу пайт дўкондор ва қадар мижознинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилади. Тарозининг тош қўйиладиган палласи қоғоз парчанинг оғирлигидан чўкиб кетганди. Дўкондор фил мижозга қараб эзғин товушда:

- Ишонмайман... Ишониладиган ҳолат эмас деди.

Тарозининг маҳсулот қўйиладиган палласи керхам бўлишиб дага биноан аёл олган ҳамма егуликларни халта ва охир-оқибат жойлаб, қўлига туқазди. Зудлик билан нималардикўпол гапирмай ёзилган қоғозни қўлига олди-да, ўқиди. Унда ҳар бир-бировлар қилинадиган маҳсулотлар рўйхати эмас, қуидагаямадилар. А сўзлар ёзилганди: “Аллоҳим! Нимага эҳтиёжим бўланчагина экан лигини ёлғиз Ўзинг биласан. Ўзимни Сенга тасдиғи ғавғоэтаман. Ўзингга таваккал, Ўзинг омонат берган бўшувларнинг лаларимнинг ризқини етказ!” Дўкондор тош када кетишлари бир куни қотди-қолди. Аёл унга ташаккур айтиб, дўконда истагидаги чиқди. Аёлнинг харидига кафиллик қилган мижон дурадгани очиб ўзбекерак эмас” деди. Мижоз дўкондан чиқиб кетаёт сўради: тарози паллаларининг синганига кўзи тушди. Ним - Уйинги сабабдан тарози палласи сингани ва дуонинг кучда ишлар бўнақадар залворли экани ёлғиз Аллоҳгагина маълум Шу он айтганда гитга:

- Ҳа, се сининг ҳо

ЖИГАРЛИК КҮПРИГИ

Бир-бирига ёндаш уйларда икки ака-ука яшардилар. Улар кенг далалардан иборат қишлоқда яшаганлари учун деҳқончилик билан шуғулланардилар. Қандайдир англашилмовчилик юз берди-ю, акауканинг орасидан оламушук ўтди. Арзимас дилхиралик ака-ука ўртасидаги меҳр риштасининг узилишига сабаб бўлди. Туғишиганлар бир-биридан ранжиб, шу пайтга қадар биргаликда меҳнат қилиб топганлари, ўртадаги ер, дон-дун, мол-мулкларини ҳам бўлишиб олдилар. Кичкина англашилмовчилик ака-укани айриб, орага жарлик пайдо қилди ва охир-оқибат умри давомида бир-бирига бир оғиз кўпол гапирмаган жигарлар ҳақорат сўзлар билан бир-бировларини таҳқирладилар, кўнгилларини аямадилар. Айнан шу ҳолатни кутиб юрганлар ҳам анчагина экан, уларнинг қутқуси билан ака-ука орасидаги ғавғо баттароқ тус олди ва охир бу тортишувларнинг охири жигарларнинг юз кўрмас бўлиб кетишилари билан ниҳояланди.

Бир куни тонг саҳарда аканинг эшигини ризқ истагидаги бир уста тақиллатди. Елкасида катта-кон дурадгорлик халтасини осиб олган уста эшикни очиб ўзига саволчан тикилган уй эгасидан иш сўради:

– Уйингизда қилиниши керак бўлган майда-чуда ишлар бўлса, сизга ёрдам берсам, дегандим.

Шу он аканинг хаёлига бир ўй келди. У уста йигитга:

– Ҳа, сен қила оладиган бир иш бор, – деди ва укасининг ҳовлиси томон ишора қилди: – Шу даранин

у укамга тегишли ҳовли-боғ. Ўтган ҳафтагача улади. Түнгри ҳовлиси билан менинг уйим орасида бир ўтлоқни ашишни келиб турди-да, бир ташлаб кўприк ўрнига хонадонларимизни бир-биридан айтаришни келиб турди-да, бир тарк этмаган ака ҳарши томондан қорасини кўрди. Қараб келаётган си томонга қуло деди:

Уста уй соҳибининг гапларини дикқат би эшитиб турди-да, сўради:

- Мен нима қилишим керак?

Ака аввал ташвишини, сўнгра қарорини айтди.

- Укам бу ишни менга аччиқ устида қилди. Ўратларим ва му оширишим керак. Шундай деди-да, охурларни билан қанчали ган еридан бошқа жойга кўчирди. Девор остида кўрсатдингиз ган ғўлаларни тўплади. Бу ерда шундай бир айхам мен томо тиклайсан. Қанча вақт ишласанг ишла, қандай ишласанг ишла, аммо шундай бир иншоот кургин укалар, ўрта бирларини би қўзларим ортиқ укамнинг ҳовлисига тушмасин! Ҳика ортига иштириб, кетма, мих ва қурак берсангиз. Тезроқ ишни бошласам... деди.

Ака устага зарур ашёларни бериб, харид уч шаҳарчага отланди. Уста кун бўйи нималарни деди:

- Мен крандалади, арралади, мих қоқди, хуллас қуёш бўйдим, кетгунича тинмай ишлади. Кечга томон шаҳарда ўйди: юмушларини битириб ака уйига қайтди. Ҳовлиси - Ҳали кяқинлашиб, устанинг ишига қаради-ю, кўзла Жигарл ҳайратдан катта-катта очилди. Ака-уканинг ҳовли ан кўпра уртасидаги чукур дара устига аканинг уйини умат бўлсинг ҳовлиси билан туташтириб турган кўпраурингки тикланган эди. Ака бир томони ўз ерида, иккун ўллари туриб томони укасининг ерида ўрнатилган ва "устани

иши" маҳсули бўлган кўприкка ҳайратланиб тикилиб турди-да, бироздан кейин аста-секин қадам ташлаб кўприк устидан юра бошлади. Ҳайрати тарқ этмаган ака кўприк узра сайдаркан, қарама-қарши томондан ўзи тарафга келаётган кимсаннинг қорасини кўрди. Диққат билан разм солган эди, унга қараб келаётган киши укасилигини билди. Ука акаси томонга қулочини кенг ёзганча келаётиб шундай деди:

– Акажон, менинг қилган ёмонлигим, қўпол ҳақоратларим ва муносабтларимизга раҳна солган хунук қилмишимга жавобан сиз бу кўприкни қурдириш билан қанчалик буюк ва яхши инсон эканлингизни кўрсатдингиз. Энди яна бир буюк иш қилинг, сиз ҳам мен томонга қўлларингизни очиб келинг.

Кўприкнинг икки томонидан юриб келган ака-укалар, ўртада учрашдилар ва соғинч билан бир-бирларини бағирларига босдилар. Бироздан сўнг ака ортига қаради-да, дурадгорлик халтасини йиғишириб, кетишига тараддуланаётган устага:

– Кетма, қол, кутгин. Ҳовлимда сенга иш бор, – деди.

Уста унга жавобан кулимсиради:

– Мен қилишим керак бўлган ишни бажариб қуёш бот бўлдим, кетишим керак, – сўнг паст товушда қўшиб шаҳардаги кўйди:

– Ҳали кўп кўприклар қуришим керак...

Жигарларингиз билан орангизни яқин қиладиган кўприклар қуришга етгулик кучингиз бакувват бўлсин. Бу кўприкларни қалин ва зич қилиб кулингки, ҳеч қачон заифлашмасин. Бу кўприк йўлларида меҳрингизга зор кўнгилларни зиёрат этиб туришни канда қилманг.

Беш ёшлар атрофидаги бола эдим. Бобом дона гуруч етиширадиган шоликор эдилар, ни қидира бошлади. Ўнга қарайди, чапга қарай саросималаниб қидираверади. Болалик экан-да, - Ҳа, бобо, тинчликми? – дедим. – Бир дона гурун бунчалик куйиб-пишяпсизми?

Раҳматли ўшанда биринчи марта менга ғазабдан қаради:

– Сен ўтирган жойингда гапираверасан-да! Гуретиширишни ҳеч кўрганмисан? Одамлар қанчаларда, ради машаққат чекадилар. Бир дона гуручда бир фалон соатда инсоннинг кўз нури, пешона тери, сарфланган китоб-дафтари қуввати бор, биласанми? Хижолатдан қип-қизар ёки қопларини кетдим...

Орадан йиллар ўтди. Ҳуқук факультетига ўқиш кўшинг", деган кирдим. Бир куни кутубхонада бир донишмандни Донишманд: "Бирор киши ерга тушган бир игна кўриб қолса-ю, уни эгилиб олмаса бутун инсон ятга хиёнат қилган ҳисобланади. Бир игна ортигина мингларча инсоннинг пешона тери, кўз нури ва мөхнати ётади", деган экан. Негадир қўрқиб кетди шукрлик де-

Ўн тўққиз йил аввал Стокгольмга борганди. Зарур бўл Меҳмонхонада қолдим. Тун эди. Тонгда соқол олиув жўмраг учун ювениш хонасига кирсам, ойнага куйидаги тувни бўшлатмани ёпиштириб қўйишган экан:

"Илтимос, соқолингизни олиб бўлгач, лезвиювқатга тузизни ахлатга ташламанг. Бурчакда бир кути бегуликлар ўшанга ташласангиз швед пўлат саноатига ёрдепадиган

қилган бўлардинги бўлдим.

Болалигимдан башвед пўлати кела пўлатидан тайёрлан бўларди. Шунлазвия ҳам керак қилар экан бу юрт юбормасликни, олимос қилишибди.

Швецияда ва жойларда, ради фалон соатда Илтимос, ўқим китоб-дафтари кўйинг. Швеци




қылган бўлардингиз". Тўғриси ёзувни ўқиб ҳайрон бўлдим.

Болалигимдан бери пўлат буюм деганда, ақлимга швед пўлати келар, уй-рўзғор ашёлариға: "Швед пўлатидан тайёрланган", деган ёрлиқ ёпиширилган бўларди. Шундай юртда ишлатилган бир дона лезвия ҳам керак экан. Шугина матоҳни ҳам ҳимоя қилар экан бу юртда. Сайёҳлардан уни ахлат ташлаб юбормасликни, саноатда ундан фойдаланишни илтимос қилишибди.

Швецияда вақт-вақти билан кўча-кўй, оммавий жойларда, радио, телевизор орқали: "Фалон пайт, фалон соатда маҳсус ходимларимиз кўча кезадилар. Илтимос, ўқимайдиган, сизга керак бўлмайдиган китоб-дафтарингиз, газета-журнал, қоғоз, кути ёки қопларингиз бўлса эшигингиз олдига чиқариб кўйинг. Швециянинг ривожланишига ҳиссангизни кўшинг", деган хабар янграб турарди.

